



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 13 март, чоршанба № 41 (1258)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КАШТАДЎЗЛАР ТУҲФАСИ

«Шарк гули» масъулияти чекланган жамият каштадўзлари баҳор байрами - Наврўзга атаб ўндан зиёд ажойиб совғалар - сўзаналар, гулкўрпа ва бошқа кўпқабатли буюмлар тайёрлади. Моҳир каштадўз қизлар тайёрлаган ва бетакрор безаклар билан безатилган ушбу буюмларга қараб кўз уюлмайсиз киши.

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Вашингтон, 12 март. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади. Кеча расмий ташриф билан Вашингтонга келган Ислом Каримовни АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига

қарашли «Эндрюс» авиабазасида Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи -

«Блэйр хаус» қароргоҳига жойлашди. Бугун Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

(ЎЗА)

«ОҚСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ» - ШАҲРИСАБЗ КЎРКИ



сиси Маҳкам Обидовнинг айтишича, корхонадаги барча дастгоҳлар Япониядан келтирилган бўлиб, автоматлаштирилган ҳолда бошқарилади. Қўшма корхонанинг умумий молиявий қиймати 66,766 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бунинг 47,479 миллиони Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки кредити, қолган 19,287 миллиони эса таъсисчиларнинг улуши ҳисобланади.

Корхонага Ўзбекистон томонидан Шаҳрисабз трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Садо» ҳиссадорлик жамияти таъсисчи. Туркиянинг «Бурсел» фирмаси ва Япониянинг «Мицубуси Корпорейшн» корпорацияси қўшма корхонага ҳаммуассис.

Қўшма корхона қурилиши 2000 йил сентябр ойида бошланган бўлиб, шартномага мувофиқ 24 ойда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган эди. Аммо қурувчиларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида шундан мuddатида беш ой олдин қуриб



битказилди. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлашга, йилига 4 минг 800 тонна юқори сифатли экспорт боп маҳсулот ишлаб чиқарилади, дейди «Садо» ҳиссадорлик жамияти раиси Хусан Каримов. Шунинг 2 минг 800 тоннаси ип-калава, 2 минг тоннаси эса хом трикотаж полотно шаклида

бўлади. Келгусида эса бу ярим хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш режалаштирилган. Мухими шундаки, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фьючерс шартномасига кўра тўлиғича четга сотилади. Айни вақтда туркиялик ва япониялик мутахассислар ўзбек йигит-қизларига

дастгоҳларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштиришда кўмаклашмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлашга, йилига 4 минг 800 тонна юқори сифатли экспорт боп маҳсулот ишлаб чиқарилади, дейди «Садо» ҳиссадорлик жамияти раиси Хусан Каримов. Шунинг 2 минг 800 тоннаси ип-калава, 2 минг тоннаси эса хом трикотаж полотно шаклида

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

ОРОЛБЎЙИ: ИЧИМЛИК СУВ МУАММОЛАРИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани иқтисодий ривожлантириш йукунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган мажлисида қайд қилиб ўтилганидек, айрим вилоятлар ва туманларда аҳолини сифатли ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келинмоқда.

Орол денгизи сайёрамиздаги энг йирик сув ҳавзаларидан бири бўлиб, қитъалар ичида кўллари тўртинчи ўринни эгаллайди. Уни учта қўл — Қизилқум, Қорақум ва Уст-юрт платоси ўраб туради.

Утган асрнинг 80 йилларига келиб, Амударёдан Оролга сув қуйилиши бутунлай тўхтади, дейиш мумкин. Кейинги ўн йиллар мобайнида сув сатҳи 17 метрга пасайди ва қўл ҳамми 3 мартага қамайди. Ҳозир денгизнинг сувдан бўшаган майдони 3,5 миллион гектарни ташкил этади.

Ичимлик сувининг асосий манбаи Амударёдаги сув сифатининг ёмонлашиб бораётганилиги одамлар соғлиғига ва эпидемиологик вазиятга салбий таъсир кўрсатапти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Алишер Худойберганоў.

«Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» дастури асосида ҳорижий ҳамкорлар билан қатор лойиҳалар тузилди. Оролбўйида иқтисодий ва экологик вазиятни мўътадиллаштиришга Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки, Арабистоннинг Қувват фонди, Немис тараққиёт банклари ва республика Давлат бюджетни маблағлари ни жалб қилиш асосида сув таъминоти муаммоларини ҳал этишни молиялаш дастури ишлаб чиқилган.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида Орол муаммосига бағишланган битимнинг имзоланиши, давлатларaro кенгаш ва Орол-

лабки туркуми келтирилди. Мана, бир неча кундирки, 50 та автобус белгиланган манзилларга қатнай бошлади. Уларнинг 20 таси Жиззах шаҳрида, 8 таси Жиззах-Ғарин, 2 таси эса Жиззах-Зомин йўналишлари бўйича қатнаб, йўловчилар узоғини яқин, мушкулени осон қилмоқда.

Б.НОРКУЛОВ.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ЭЪТИРОЗЛАР ТАН ОЛИНДИ

Газетамизнинг шу йил 6 феврал сонидан чоп этилган «Лоқайлик эви билан-да» сарлавҳали мақолада Сирдарё вилояти айрим туманлари, хусусан, Бобўт туман машина-трактор саройи акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлигига доир қонун, меъёрий ҳужжатларга тўла амал қилмаслик оқибатида бахтсиз ҳодисалар қамаймаётгани хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилганди.

Газетанинг маъруз қилини юзасидан таҳририятимизга йўлланган жавоб хатида қуйидагилар маълум қилинади:

Мақолада билдирилган эътирозлар Бобўт туман машина-трактор саройи акциядорлик жамиятида мутасадди раҳбар, мутахассислар иштирокида атрофича қўриб чиқилди ва тўғри деб эътироф этилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, 110 минг сўмлик дори-дармонлар харид қилиниб, иш жойларига тарқатилди. Техника хавфсизлиги йўриқномаларини қайд этиш дафтарлари тузилди. Зарарли жойларда ишловчилар ўртасида ўқитиш ва билимларини синаш ишлари ташкил қилинди. Ҳорижий техника воситаларини сақлаш учун қўшимча майдончалар ажратилди. «Ўзкейсервиз» қўшма корхонаси маркази томонидан ҳорижий техника операторлари ва уларнинг ёрдамчилари учун малака ошириш курслари очилди ҳамда битирувчиларга махсус руҳсатномалар бериш йўлга қўйилди. Жумладан, яқинда вилоят давлат техника назорат инспекцияси 67 оператор ва улар ёрдамчиларига чет эл техникасини бошқариш ҳуқуқини бериш махсус гувоҳномаларни тақдим этди.

Иш жойларини таъмирлаш ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ юмушларга 1 миллион 450 минг сўмлик маблағ сарфланди. Инсон соғлиғи учун зарарли ишларда банд бўлганларни тиббий қўриқдан ўтказиш чоралари белгиланди.

А.КРОВНОВ, Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари, иқтисодий ва статистика бош бошқармаси бошлиғи.

Вилоятимизда 1996 йилда ташкил топган Олтин водий номи «Бизнес инкубатор» тадбиркорлар учун иқтисодий-ҳуқуқий ўқишларни ташкил этиш, бизнес режаларини тузишда кўмаклашиш, кредитлар олиб бериш, улар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида тарғиб этишни ўз зиммасига олган. Унинг қошида тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш минтақавий марказ фаолият юрита бошлагач, ишлар янада юришиб кетди.

Республика грантини олиш учун ўтган йили Тошкентда ўтказилган танловда иштирок этиб, минтақавий марказ лойиҳаси ғолиб қилинди. Лойиҳа юқори баҳолашиб, марказ тузиш ҳуқуқи қўлга киритилди. Айниқса, «Бизнес инкубатор» ва марказ ҳамкорлиги ижобий самара берапти. Бултўр биргина компьютер саводхонлиги курсини 180 нафар киши битириб, сертификат олди. Тад-

АҚШДА МАЛАКА ОШИРДИЛАР

биркорлик асослари, қимматли қорозлар билан ишлаш, акционерлик жамиятларини ташкил этиш, бухгалтерлик ҳисоби, чет тилини ўрганиш курсини тамомлаш ҳам анчагина. Шу ерда чет тили курсини муваффақиятли битирган 7 нафар ёш фермер

Истиқлол шарофати

АҚШга малака ошириш учун берилган йўлланма ни қўлга киритди. Айниқса, Бешариқ, Фурқат, Ўзбекистон, Тошлоқ, Кува туманлари ва Кува-

«Бизнесчи бўлиш мушкулми?», «Бизнес-инкубатор — фарғоналиклар хизматида» каби нашрлар шулар жумласидандир. Марказ тадбиркорлар маҳорати ва ҳуқуқий билимини оширишга қўлмай, уларга кредитларни ўз вақтида олиш, дебитор қарзларни ундириш, мулкчиликда бўладиган муаммоларни ечиш, фермерларга ер ажратишда қонун ва қарорларнинг баҳарлигини назорат қилишда яқиндан ёрдам беради, — дейди унинг раҳбари Қаҳҳоржон Раҳимов.

А.ТЎХТАСИНОВ.

Андижон вилояти Корасув шаҳридаги қишлоқ ҳўжалиғи лицейи жамоаси ишлаб чиқариш амалиёти давомида ишлаб топилган маблағларга стадион қуришга қарор қилди.

ЛИЦЕЙ СТАДИОНИ

Ташаббусни маҳаллий маъмурият қўллаб-қувватлади. Бунинг учун лицейга янги бинога қўчган юкумли касалликлар шифохонасининг бўш ётган худуди берилди.

Ушбу худуд ўтлардан тозаланиб, чим ётқиши ишлари олиб борилмоқда. Утган йили лицей ўз саъй-ҳаракатлари билан теннис кортини барпо қилган эди.

(ЎЗА).

ЖИЗЗАХДА «ЎЗОТАЙЎЛ» АВТОБУСЛАРИ

«ЎЗЭКСАЙД» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси қошида яқинда «ЎЗЭКСАЙДТРАНС» автокорхонаси ташкил қилинди. Қўшма корхона ҳомийлиги ва республика «Асакабанк»нинг 500 миллион сўмлик кредит пули ҳисобига Жиззах вилоятига «ЎЗОТАЙЎЛ» автобусларининг даст-



лабки туркуми келтирилди. Мана, бир неча кундирки, 50 та автобус белгиланган манзилларга қатнай бошлади. Уларнинг 20 таси Жиззах шаҳрида, 8 таси Жиззах-Ғарин, 2 таси эса Жиззах-Зомин йўналишлари бўйича қатнаб, йўловчилар узоғини яқин, мушкулени осон қилмоқда.

Б.НОРКУЛОВ.

Хушxabарнинг қано-ти бор, дейдилар. Қарши туманидаги Ойбек номи 12-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Алёна Шодмоновани миллий кураш бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионлигини кўлга киритганлиги, олтин медал соҳиби бўлганлиги ҳақидаги хабар жуда тез тарқалди. Пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида ўтказилган мусобақада Алёна ўз маҳоратини намойиш этиб, барчани қойил қолдирди.

— Алёнадаги истеъдод ҳақиқатдан ҳам ҳаммани қойил қолдирди, — дейди мактаб директори Раҳмон Қаршиев. — У мактабимизнинг энг аълочи, жамоатчи ўқувчиси сифатида туман, вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунинг учун

ми, кейинги пайтларда ёшларимиз ўртасида миллий курашга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. — Орзуим жаҳон чемпионати шохсупа-

ларидан ўрин олиш, — дейди чемпион қиз. — Миллий курашимиз бугун жаҳонга юз тутмоқ-

да. Бунда биз, ёшлар чемпионатида муваффақиятга эришувимда мураббийим Нодир Нурқобилов ва, шунингдек, мактаб жамоасининг хизмати катта.

Ҳалқимиз илгарилари «охир чоршанба» маросимини ўтказган. Наврўздан аввалги сўнги чоршанба кунини ўтказилган бу маросимда одамлар кўчаларда, дарвозалар олдида олов ёқиб, оловдан хатла-ганлар.

АЛЁНА — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ



СУРАТДА: Алёна Шодмоновани мактаб директори Раҳмон Қаршиев галаба билан табрикламоқда.

Кураш — фахрим менинг

Янги нашлаш

Темурийзодалар девонлари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти XV асрда яшаб ўтган Темурий шаҳзодалардан бири - ШохҒариб Мирзо Ғарибий қаламига мансуб шеърини девонини нашр этди.

Илмий жамоатчилик ва халқимиз ҳозиргача Ғарибийнинг ижоди ҳақида Алишер Навоийнинг «Маҷолис ун-нафоис», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», шунингдек, темурийлар даврига бағишланган баъзи бир таъкирлар орқалигина хабардор эди. Ғарибийнинг девони Бобур номидаги халқаро жамғарма сайъ-ҳаракати билан Германиянинг Ҳамбург миллий кутубхонасида сақланаётган шоир кўлэзма

девори нусхаси асосида чоп этилди.

Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабий институти олимлари томонидан тадқиқ этилиб, нашрга тайёрланган мазкур девондан шоирнинг форс ва туркий тиллардаги газаллари ўрин олган.

Шунингдек, Темурий шаҳзодалардан яна бири - Султон Масъуд Мирзо Шохий девони ҳам ўқувчилар кўлига бориб етди.

Шоирнинг Лондондаги «Индия Оффис» китоб хазинасида сақланаётган кўлэзмалари нусхалари асосида тайёрланган бу девон «Истиқлол» нашриётида босмадан чиқарилди.

(ЎЗА).

ШИФОБАХШ ФАСЛ

«Наврўз янги йилнинг биринчи кунини билдиради. У вақт йилга хизмат қила бошлаган чоғда, яъни баҳорда, биринчи ёмғир томчилганда, чор-атроф гулга тўлганда, хайвонлар насл қолдиришга киришганда келлади. Шундай қилиб, Наврўз бутун оламнинг уйғониши, ривожланишидир.»

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

А, В, С, Д, Е, РР каби витаминларнинг баҳорга борганда қуввати қолмай, сарф бўлиб кетиши аниқланган. Шунинг учун танадаги модда алмашинуви нормаллаштириш, иммунитетни кучайтириш ва куч-қувватни ошириш учун витамин, минерал моддаларга бой кўклар неъматларини ва улардан тайёрланган хилма-хил таомларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Айниқса, ялпиз, исмамоқ, қоқиғул, отқулқоқ, жағ-жағ, равоч, беда, қўқ пибёз ва саримсоқ, укроп, кашнич, петрушка, сельдерей, довучка каби ўсимликлар инсон организмни учун бебаҳо хисобланган А, В, В1, В2, В6, В12, С, Д, Е, К, Р, РР, Н дармондориларга бой. Шунинг учун ҳам улардан нон, сомса, чучвара, манти, хоним, салат ва суюқ овқатлар тайёрлаб, истеъмол қилиш қони қувватдир.

Наврўз — орзу ва умидлар байрами бўлиб, унда эртанги кун ва келажакнинг гамини ёйишдек улкан маъно муҳасам. Шунинг учун ҳам халқимиз Наврўзни қувонч ва бахт байрами сифатида кутиб олади. Наврўзни қаршилаш уч қисмдан иборат бўлиб, биринчиси — қиш фаслидан ҳориб-толиб, хасталаниб чиққан киши организмни баҳор неъматлари ва таомлари билан қувватлантириш ва хасталанган

Айниқса, сумалакнинг гиповитаминоз касаллиги олдини олишда фойдаси жуда катта. Унинг таркибиде бета-каротин, тиамин, ниацин, В6, холин, С, Е ва бошқа витаминлар мавжуд. Масалан, Е витамини эркакларни наслсизлик касалидан, аёлларни эса бевақт бола ташлаш офатидан сақлаши аниқланган. Сумалак гипертония, сурункали гепатит, асаб касалликларига яхши даво хисобланади. Бироқ, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликлари, сурункали гастритларнинг хуружлари даврида сумалак истеъмол қилмаслик тавсия қилинади. Ҳалим ўзининг латифлиги ва шифобахшлиги билан организмга яхши сингиб, қишдан толиқиб чиққан киши тана-сига куч-қувват ато этади. Айниқса, қон босими пасайиб кетган мадорсиз, дармонсиз, ҳолсиз кишига ҳалим жуда фойдали таомдир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

НАВРЎЗ УДУМЛАРИ

Ҳалқимиз илгарилари «охир чоршанба» маросимини ўтказган. Наврўздан аввалги сўнги чоршанба кунини ўтказилган бу маросимда одамлар кўчаларда, дарвозалар олдида олов ёқиб, оловдан хатла-ганлар.

Қашқадарёликлар ода-тига кўра, ёмғир ёғиб ё

Ўлкамизда Наврўз ўз сепини ёйяпти. Дов-дарахтлар буток чиқариб, олам яшилга бурканмоқда.

Дехкону миришкор далага чиккан. Шахарликларнинг ҳам юмушлари ортиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Янгидан қурилган бир-биридан шинам бинолар, хибонлар шаҳар хуснига ҳусн қўшимоқда. Урганч аэропортидан шаҳарга йўл олган сайёх

Ал-Хоразмий, Ал-Беруний зиратгоҳлари, меъморий жиҳатдан ўзига хос бўлган маъмурий биноларни, Соғломлаштириш мажмуасини, Жалолидин Мангуберди, «Авесто», Аз-Замаҳшарий боғларини кўриб хайратга тушади. Шуниси қувончлики, кўхна Урганч мустақиллик тўғрисида янада боғ-роғларга бурканиб, янада гўзал қиёфа кашф этмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида шаҳарда 35 гектар янги боғлар ташкил қилинди.

УРГАНЧ — БОҒЛАР ШАҲРИ, лекин яшил бойликка эътибор етарли даражадами?

Амир Темури номидаги маданият ва истироҳат боғи бир пайтлари оромжон сўлимгоҳлардан бири бўлган, аммо кейинги пайтларда бу дам олиш маскани қаровсиз аҳволда келиб қолган. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Наврўз тантаналари олдида маданият ва истироҳат боғида қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Сувсизликдан, қаровсизликдан қургин дов-дарахтлар олиб ташланди, ариқлар тозаланиб, ободонлаштириш ишлари жадвал суръатда олиб бориламоқда. Шу баҳонада маданият ва истироҳат боғидаги барча майдончалар қайта таъмирланади. Муддатини ўтаб бўлган аттракционлар янгиликка алмаштирилади. Гулзорлар барпо қилинади.

Дарвоқе, шаҳарда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойланини намунали ўтказиш ниятида алоҳида бошқарма тузилди. Маълум даражада мактовга лойиқ ишлар ҳам қилинаётган бўлса-да, экологик ноқулай минтақа учун булар етарли эмасдек туюлади. Шамол билан учиб келаётган туз ара-лаш захарли бирикмаларга дарахтлар «қалқон» вазифасини ўтаётганини эсласак, дов-дарахтлар воҳа учун ниҳоятда муҳимлиги ўз-ўзидан аниқлашди. Хар йили шаҳарда миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали



дарахтлар ўтқазилади, аммо Хоразмнинг оловпурқар қўёши, сувсизлик ва энг ёмони қаровсизликдан кўчларнинг ярмидан кўпи қурибди.

Ўтган йили шаҳарнинг аксарият кўчаларини сув билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Махаллалар йирик ташкилотларга бириктирилди. 14 та кичикроқ сув насослари орқали ариқларга сув юборилди. Шунга қарамасдан кўп кўчаларга сув этиб борганича йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, бу но-хуш ҳолатлар шаҳарнинг ирригация тармоқлари-ни лойиҳа асосида қайта тузиб чиқишни тақозо қилмоқда. Оқар сув тақчиллиги оқибатида шаҳарликлар боғ-роғларини Туямўйин сув омборидан 100 километрдан зиёд йўл босиб, қувурларда этиб келаятган тоза ичимлик сув билан сургоришга мажбур бўлишмоқда. Бу эса сув таннархининг кескин ошишига ва Янгиарик, Шовот, Гурлан, Қўшқўпри туманларида ичимлик сувининг танқислигига сабаб бўлмоқда.

Яна бир масала тўғрисида алоҳида тўхталиш жоиз. Йиллаб оқар сув келмаслиги сабабли айрим кимсалар ўз эшикларини олдидаги ариқлар, йўлакларни, ҳатто кўчанинг бир қисмини темир панжаралар билан ўраб олишмоқда. Меъморчилик қондаларининг бу тарзда бузилиши йўл ҳаракатини тартибга солиш, сел ва кучли ёғингарчилик ёки тошқинлар

бўлмаса бошқа сабабдан Наврўз кирган кунни тантана қилмасалар, ўша кунни «куни бекор» деб атаганлар ва ўша кунни ўтказиб, эртасига байрам қилишган.

Айрим жойларда янги йил кирганиги наврўзак ёки қўқ тумшук тўғрисидаги қувонч учиб келишига қараб аниқланган. Наврўз арафасида кечқарлар махсус идишларга етти хил дон экиб, уларнинг уним чиқишига қараб, қузда олинадиган ҳосил чўғини чамалаганлар: агар донлар бир текис, бехато уним чиққан бўлса, бу серҳосил ва баракали йилдан нишона, яқкам-дуккам қўшқарган майса эса камҳосил куздан дарак беради деб ўйлаганлар.

Наврўз кунлари қўш оши пиширилган. Қўш-омочлар созланиб, ҳўқизларнинг шохи мойланган.

тана аъзоларини даво-лаб соғломлаштириш, иккинчиси — меҳнат билан боғлиқ деҳқончилик тадбирлари — атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, учинчиси — кўнгул очар, хордиқ чиқаришга бағишланган миллий ўйин-кулги, маънавий-руҳий хордик.

Алломадан бири: «Соғлигини яхшилигини наҳорда ва баҳорда дилингни шодликка

камайтириш, уларда кўп учрайдиган касалликларни олдини олиш» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида болалар касаллигининг келишидаги асосий муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича ҳаминг корлик масалалари келишилди.

«Туркистон-пресс».

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Вилоятда она ва бола саломатлиги учун хизмат қилувчи нодавлат но-тижорат ташкилотлари сони яна биттага ортди.

Шу муносабат билан «Врачлар-болаларга» ташкилоти СамТИ олимлари ҳамда Каунтерпарт Консорциумнинг вилоят бўлими ҳамкорлигида Тайлоқ туманида «Болалар ўлимини

камайтириш, уларда кўп учрайдиган касалликларни олдини олиш» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида болалар касаллигининг келишидаги асосий муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича ҳаминг корлик масалалари келишилди.

«Туркистон-пресс».

ТАҚВИМЛАР САРГУЗАШТИ

* Энг биринчи қамарий тақвим (календар) Бобилда милoddан аввалги учинчи минг йиллик ўрталарида яратилган.

* Қадимги мисрликлар тақви-мида йил хар бири 30 кунлик 12 ойдан иборат бўлган.

* Эфиопияликлар ҳозирга қадар Миср тақвими кўллал билан бирга Нил дарёси билан боғлиқ аънавий байрамларни

ҳам нишонлашади. Чунончи, улар хар йили 17 июнга ўтар кечаси «Кўз ёши» байрамини тантанали ўтказишади.

* Рим шаҳрининг афсонавий асосчиси VIII аср ўрталарида римликлар қўллаган тақвим бўйича йил 10 ойдан, жами 304 кундан иборат бўлган.

* Дастлабки Рим тақви-мида ой-ларнинг номи бўлмаган. Шунинг

Биласизми?

учун улар рақамлар билан ифо-даланган. Йил эса баҳорга тўғри келадиган ойнинг биринчи сана-сидан бошланган.

* Кабиса йили император Ав-густ тақвими ўзгартирган дав-радагина қонунлаштирилган. Унга кўра, хар тўртинчи, яъни рақами 4га қолдиқсиз бўлинадиган йил кабиса йили хисобланади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 21.30

Манъаши: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.